



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 **24** yil « **24**» **oktabr** № **700**

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасига оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси режими ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режимини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси режими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги икки ой муддатда “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуасида чегара зонасида рўйхатга олиш модулини яратсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “24” октябрдаги 700 -сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси режими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини (кейинги ўринларда – Давлат чегараси) жиҳозлаш, Давлат чегарасини шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтиш, Давлат чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, шахсларни, транспорт воситаларини ва товарларни ўтказиш, Давлат чегарасида ва чегара минтақасида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш, шунингдек, чегаравий можароларни ҳал этиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Давлат чегараси – Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасини (куруқликни, сувни, ер қабрини ва самовий ҳудудни) белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат;

Давлат чегараси режими – Давлат чегарасида ва чегара минтақасида амал қилиб, Давлат чегарасини жиҳозлаш, Давлат чегарасини шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтиш, Давлат чегараси орқали товарларни олиб ўтиш, шахсларни, транспорт воситаларини ва товарларни ўтказиш, Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида (кейинги ўринларда – ўтказиш пунктлари) чегара назоратини амалга ошириш, шахсларнинг, транспорт воситаларининг ва товарларнинг Давлат чегараси орқали ўтказилишини вақтинча чеклаш ёки тўхтатиб туриш, Давлат чегарасида ва чегара минтақасида хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш, чегаравий можароларни ҳал этиш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуи;

профилактик минтақа – Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келиши ва тарқалишидан муҳофаза қилиш мақсадида белгиланадиган Давлат чегараси бўйлаб, шунингдек, чегара дарёлари ва сув ҳавзаларининг қирғоқларида унинг техник тавсифларига мувофиқ сувни муҳофаза қилиш зонасининг ташқи чегараси бўйлаб ўтган жойнинг 100 метр кенглигидаги минтақа;

тозалаш минтақаси – чегарадош давлатлар ўртасида Давлат чегараси яхши кўриниб туриши учун жойларда чегаранинг бутун узунлиги бўйича, шунингдек, чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари сувни муҳофаза қилиш зоналарининг техник тавсифларига мувофиқ ташқи чегаралари бўйлаб ўтган жойнинг 5 метр кенгликдаги минтақаси;

хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш – Ўзбекистон Республикасининг чегарабўйи сув ҳавзаларидан фойдаланиш, сув иншоотларини барпо этиш, деҳқончилик, чорвачилик, ишлаб чиқариш, тадқиқот, изланиш ишларини амалга ошириш учун ердан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш, кончилик ишларини, геологик изланишларни ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш;

чегара белгиси – бир ёки бир неча элементлардан ташкил топган Давлат чегарасини жойларда белгилаш учун мўлжалланган қурилма;

чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари – Давлат чегараси ўтадиган, шунингдек, бевосита Давлат чегараси чизиғига туташ бўлган ҳамда чегара минтақасида жойлашган сув объектлари;

чегара минтақаси – Давлат чегарасига бевосита туташ бўлган, Давлат чегараси режими жорий этиладиган чегараолди ҳудуднинг бир қисми;

чегараолди ҳудуд – Давлат чегарасига туташ бўлган маъмурий-ҳудудий бирлик (туман, шаҳар) доирасидаги ҳудуд.

3. Давлат чегараси режими Давлат чегараси тўғрисидаги қонунчилик ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади.

2-боб. Давлат чегарасини жиҳозлаш тартиби

4. Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан Давлат чегарасини жиҳозлаш мақсадида чегара белгилари, тозалаш минтақаси, чегара минтақаси бунёд этилади ҳамда улар соз ҳолда бўлиши таъминланади, улар назорат тарзида кўздан кечирилади, шунингдек, чегарадош давлатлар билан биргаликда Давлат чегараси чизиғининг ўтиши текширилади.

5. Чегара белгиларини ўрнатиш, уларга ишлов бериш ва уларни соз ҳолда ушлаб туриш тартиби чегарадош давлат билан тузилган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

6. Давлат чегарасини жиҳозлаш мақсадида чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларининг Ўзбекистон Республикасига тегишли бир қисмини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ушбу сувларда жойлашган оролларини ўз ичига олган қуруқликдаги участкалари бўйлаб чегара минтақаси белгиланади.

7. Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг таклифлари асосида Давлат чегарасини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегара муаммоларини ҳал этиш, ноқонуний миграцияни, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга қарши курашиш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар томонидан тегишли ҳудудлар бўйича чегара минтақасини аниқлаш, белгилаш ва зарурат юзасидан ўзгартириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади.

Бунда мазкур ҳудудий комиссияларнинг чегара минтақасини белгилаш тўғрисидаги қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан ҳудудий комиссияларнинг чегара минтақасини белгилаш тўғрисидаги қарорлари тасдиқланганидан сўнг чегара минтақаси белгиланган ҳудудда Давлат чегараси режими жорий этилади.

8. Чегара минтақаси Давлат чегараси чизиғидан чегара минтақасининг мамлакат ичкарисидаги чегарасигача бўлган ҳудудни ва ушбу ҳудудда жойлашган тозалаш минтақасини, профилактик минтақани, чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларининг Ўзбекистон Республикасига тегишли бир қисмини, уларнинг муҳофаза зоналарини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ушбу сувларда жойлашган ороллари ўз ичига олади.

Чегара минтақасининг таркибига давлат захира ерлари ва чегара минтақасида фаолият юритиш тақиқланмаган бошқа ерлар ҳам киритилиши мумкин.

9. Чегара минтақасининг кенглиги Давлат чегарасини бузишга бўлган жисмоний уринишларнинг ҳамда Давлат чегарасини кўриқлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳаракатларни таъминлаш лозим.

Чегара минтақасида шахсларнинг турар жойлари бўлишига йўл қўйилмайди.

10. Чегара минтақасининг мамлакат ичкарисидаги чизиғи жойнинг табиий географик жойлашуvidан келиб чиқиб, муҳандислик-техник иншоотлар, тўсиқлар, чегара йўллари, кўприклар ва кўриқлашнинг бошқа техник воситалари объектларини барпо этиш имконини берадиган кенгликдаги текисликда ўтиши лозим.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинларига чегара минтақаси ҳудудида:

жойнинг физик-географик шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда, чегара минтақасининг ички чегарасидан бошлаб муҳандислик-техник иншоотларни, тўсиқларини барпо этиш, чегара йўллари, кўприклар ва бошқа объектлар қуриш имконини берадиган 50 метргача кенгликда (айрим ҳолларда жойнинг физик-географик шароитларидан келиб чиққан ҳолда ажратиладиган ер участкасининг эни кенгайтирилиши мумкин) бўлган ер участкалари;

тозалаш минтақасини жиҳозлаш учун чегара белгиларини, бошқа муҳандислик-техник иншоотлар ва тўсиқларни ўрнатиш ҳамда сақлаш мақсадида Давлат чегарасидан эни 5 метрдан кам бўлмаган ер участкалари;

чегара минтақасида жойлашган барча ер участкалари Ўзбекистон Республикаси билан кўшни давлатлар ўртасида Давлат чегарасининг демаркацияси тўғрисидаги халқаро шартнома имзолангандан сўнг доимий фойдаланишга берилади.

3-боб. Давлат чегарасини шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтиш тартиби

1-§. Давлат чегарасини кесиб ўтишнинг умумий қоидалари

12. Давлат чегараси қуйидагича кесиб ўтилади:

куруқликда, чегара дарёларида, кўлларида ва бошқа сув ҳавзаларида — халқаро темир йўлларнинг, автомобиль йўлларининг, дарё қатнови ва бошқа қатнов йўлларининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш учун белгиланган жойларида;

самовий ҳудудда — халқаро трассаларнинг Давлат чегарасини кесиб ўтиш жойларида ёки ушбу мақсадлар учун ажратилган ҳаво йўлакларида.

13. Давлат чегарасини ўтказиш пунктларидан ташқарида кесиб ўтишга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ йўл қўйилади.

14. Шахслар ва транспорт воситалари Давлат чегарасидан автомобиль йўли ва темир йўл ўтказиш пунктларигача ёки қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётганда:

белгиланган йўналишни ўзгартириш ва заруратсиз тўхташ;

транспорт воситаларига шахсларни чиқариш, товарларни юклаш, транспорт воситаларидан шахслар, товарларни тушириш ҳамда транспорт воситасини тўхтатиш ёки қаровсиз ташлаб кетиш;

ҳар қандай учувчи аппаратларни ва учувчисиз учиш аппаратларини ҳавога кўтариш, қўндириш ёки қабул қилиш тақиқланади.

2-§. Чегара дарёларида, кўлларида ва бошқа сув ҳавзаларида Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартиби

15. Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатларнинг кемалари ҳамда ҳарбий кемалари чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларида Давлат чегарасини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ кесиб ўтади.

16. Чегара дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларида Ўзбекистон Республикасининг ҳамда чет давлатларнинг ички сувларига ва портларига кирмасдан Давлат чегарасини кесиб ўтувчи кемалар қатнови халқаро шартномалар асосида тартибга солинади.

17. Ўзбекистон Республикасининг ва чет давлатларнинг кемалари ҳамда ҳарбий кемалари Давлат чегарасини кесиб ўтиш жараёнида ва ички сувларда Ўзбекистон Республикаси портларига кирган ёки кирмаган ҳолда ҳаракатланаётганда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси портларидан Давлат чегараси томон ҳаракатланаётганда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг талабига кўра:

агар мансублик (давлат ёки ҳарбий денгиз) байроғи кўтарилмаган бўлса, ўз мансублик байроғини кўтариши;

агар кеманинг ҳаракат йўналиши сузиш учун тақиқланган ёки вақтинча хавфли бўлган ҳудудга, шунингдек, сунъий орол, қурилма ёки иншоот атрофида белгиланган хавфсизлик ҳудудига олиб борса ёхуд сузиш тартибининг бошқача тарзда бузилишига олиб келса, кеманинг ҳаракат йўналишини (курсини) ўзгартириши;

кеманинг ички сувларга кириш мақсади, ҳаракатланиш схемасидан (чизиғидан) четга чиқиши сабаблари тўғрисида хабардор қилиши;

тўхташи ва кўздан кечирувчи гуруҳни кема бортига текшириш учун қабул қилиши, кемага ва навигацияга оид ҳужжатларни, экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг, юклар ва товарларнинг ҳужжатларини тақдим этиши;

ҳаракат йўналишини (курсини) ўзгартириши ва Ўзбекистон Республикаси портига ёки кўрсатилган бошқа пунктга бориши шарт.

18. Ўзбекистон Республикасининг ва чет давлатларнинг кемалари ҳамда ҳарбий кемаларига қуйидагилар тақиқланади:

сузиш (ҳаракатланиш) учун тақиқланган ёки вақтинча хавфли бўлган ҳудудга, шунингдек, сунъий орол атрофида белгиланган хавфсизлик ҳудудига кириш ёки мазкур йўналишнинг ҳаракатланиш схемасини (чизиғини) ўзгартириш, агар улар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан олдиндан огоҳлантирилган бўлса;

чегара назорати амалга оширилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг рухсатсиз ёки бундай рухсатнома шартларини бузган ҳолда тўхташ, одамларни тушириш (чиқариш), товарларни юклаш (тушириш), сузувчи воситаларни бортга қабул қилиш ёки сувга тушириш, учувчи (учувчисиз учиш) аппаратларини ҳавога кўтариш, бортга қўндириш (қабул қилиш), шунингдек, овчилик, тадқиқот, изланиш фаолиятини ёхуд бошқа фаолиятни амалга ошириш, бундан одамларни ва кемаларни қутқариш зарурати ёки бошқа фавқулодда вазиятлар рўй бериши билан боғлиқ ҳоллар мустасно.

3-§. Давлат чегарасини самовий ҳудудда кесиб ўтиш тартиби

19. Давлат чегарасини кесиб ўтиш жойидан ўтказиш пункти томонга бораётган ва ортга қайтаётган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди орқали транзит тарзида учиб ўтаётган ҳаво кемалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари ва (ёки) Транспорт вазирлиги тизимидаги тегишли ташкилотнинг қуйидаги талабларини бажариши шарт:

агар йўналиш тақиқланган ёки парвозлар учун вақтинча хавфли бўлган ҳудудга олиб борса, йўналишни ўзгартириши;

Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудига киришдан мақсади ёки учиш режасидан четга чиқиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиши;

белгиланган жойда қўниш.

20. Ҳаво кемаларига Давлат чегарасидан ўтказиш пунктигача бориш ёки ортга қайтиш вақтида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудуди орқали транзит тарзида учиб ўтиш вақтида қуйидагилар тақиқланади:

халқаро парвозлар учун очиқ бўлмаган аэропортларга ёки аэродромларга қўниш, шунингдек, улардан учиш;

учиш режасида кўрсатилмаган аэропортларга ёки аэродромларга қўниш, шунингдек, улардан учиш;

аэропортлардан ва аэродромлардан ташқарига қўниш;

белгиланган (тавсия этилган) ҳаво трассаларидан ва ҳаракат йўналишларидан четга чиқиш;

аэронавигацияга оид ахборот ҳужжатларида эълон қилинган тақиқланган зоналарнинг ва парвозлар чекланган зоналарнинг ҳудудлари устидан учиб ўтиш.

Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар ёки ҳаво ҳудудини мажбурий тарзда кесиб ўтишга олиб келган форс-мажор ҳолатлар рўй берган ёки рўй бериш хавфи юзага келган вазиятлар бундан мустасно.

21. Инсонпарварлик рейсларини, шунингдек, давлат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ халқаро парвозларни бажариш жараёнида ҳаво кемалари халқаро парвозлар учун очиқ бўлмаган аэропортларга ёки аэродромларга истисно тариқасида, қўниши мумкин. Мазкур парвозлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан келишилган ҳолда, Транспорт вазирлиги тизимидаги тегишли ташкилот томонидан берилган махсус рухсатнома мавжуд бўлганда бажарилади.

22. Ҳаво кемалари Давлат чегарасини Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ белгиланган тартибда махсус ажратилган халқаро ҳаво трассалари ёки ҳаво йўлчалари бўйлаб кесиб ўтадилар.

23. Ўзбекистон Республикасининг асосий ва эксклав ҳудудлари оралиғида ҳаво кемаларининг парвозлари чегара назорати ва давлат назоратининг бошқа турларидан ўтказилмаган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг асосий ва эксклав ҳудудлари оралиғида амалга ошириладиган авиақатновлар маҳаллий авиақатновларга тенглаштирилади.

Мазкур йўналишда Давлат чегарасини самовий ҳудудда кесиб ўтаётган шахслар, ҳаво кемалари ва товарлар жўнаб кетиш ва етиб бориш аэропортларида чегара, божхона ва давлат назоратининг бошқа турларидан ўтказилмайди.

4-§. Давлат чегарасини ўтказиш пунктларидан ва ҳаво йўлакларидан ташқарида кесиб ўтиш тартиби

24. Ўтказиш пунктларидан ташқарида Давлат чегарасини кесиб ўтиш Ўзбекистон Республикасининг чегарадош давлатлар билан келишувларига мувофиқ амалга оширилади.

25. Ўтказиш пунктларидан ва ҳаво йўлакларидан ташқарида Давлат чегарасини кесиб ўтишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

фавқулодда ҳолат жорий этилганда, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар рўй берганда, ҳаво кемалари тарафидан ҳаво ҳудудини мажбурий тарзда кесиб ўтишга олиб келувчи форс-мажор ҳолатлар ёки инсонларнинг ҳаётига, соғлиғига ҳамда хавфсизлигига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатларнинг ҳаво кемалари, кемалари ва ҳарбий кемалари хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа ҳолларда;

Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатларнинг шикастланган дарё кемалари, чет давлатларнинг ҳарбий кемалари шатакка олинганда;

кутқарилган инсонларни ташишда;

Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар кемаларининг экипажи аъзоларига бирламчи шошилиш ёрдам кўрсатишда.

Ўзбекистон Республикасининг чегарадош давлатлар билан келишувларига мувофиқ, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилишда ўтказиш пункти орқали ҳаракатланиш имкони бўлмаган катта ҳажмли ва оғир юкли автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишида ўтказиш пунктларидан ташқарида Давлат чегарасини кесиб ўтиши мумкин.

26. Алоҳида ҳолларда, хўжалик фаолиятини амалга оширишда (чорва молларини ҳайдаб ўтишда ва бошқа ҳолларда), шунингдек, сув, транспорт, саноат ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган чегараларо объектларга, телекоммуникациялар тармоқлари ва электр узатиш линияларига хизмат кўрсатишда, уларни таъмирлашда, улардан фойдаланишда Давлат чегарасини кесиб ўтиш, ушбу масала Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан чегарадош давлатнинг ваколатли органлари билан келишилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг рухсати билан ўтказиш пунктларидан ташқарида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бунда шахслар ва транспорт воситалари ўтказиш пунктларидан ташқарида Давлат чегарасини чегарадош давлатларнинг ваколатли органлари билан келишилганидан сўнг доимий ёки вақтинча ташкил этилган назорат постлари орқали кесиб ўтади.

Зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатларнинг чегараолди ҳудудларида (Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош давлатларнинг эксклав ҳудудларида) яшовчи шахсларга қулайликлар яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ва қўшни давлатларнинг чегара идоралари ўртасидаги келишувга биноан ўтказиш пунктларидан ташқарида белгиланган жойларда назорат постларини ташкил қилган ҳолда, томонларнинг фуқаролари ва транспорт воситалари ўтказилиши мумкин.

27. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларини бажариш жараёнида чегарадош давлатнинг ваколатли органлари билан келишувга кўра Давлат чегарасини ўтказиш пунктларидан ташқарида кесиб ўтиш ҳуқуқи берилади.

4-боб. Давлат чегараси орқали шахсларни, транспорт воситаларини ва товарларни ўтказиш тартиби

1-§. Ўтказишнинг умумий қоидалари

28. Шахслар, транспорт воситалари ва товарларни Давлат чегараси орқали ўтказиш белгиланган ўтказиш пунктларида амалга оширилади.

29. Давлат чегараси орқали ўтказиш шахсларнинг ва транспорт воситаларининг Давлат чегарасини кесиб ўтишига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарларни олиб киришни ёки Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни амалга оширишга рухсат беришдан иборатдир.

30. Давлат чегараси орқали ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:
жисмоний шахслар учун – Ўзбекистон Республикасига кириш ёки Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқига доир ҳақиқий ҳужжатларнинг мавжудлиги;

транспорт воситалари ва товарлар учун – транспорт воситаларига ва товарларга доир қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатларнинг мавжудлиги.

31. Ўтказиш пунктида назорат тартиб-таомиллари тугалланганидан кейин ҳамда шахс, транспорт воситаси ўтказиш пунктдан ташқарига чиқиб кетганда ва товарлар олиб чиқилганда, Давлат чегараси орқали ўтказиш яқунланган деб ҳисобланади.

32. Ўзбекистон Республикасига киришига қонунчиликка мувофиқ рухсат этилмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган шахслар Давлат чегараси орқали ўтказилмайди.

33. Товарларни Давлат чегараси орқали олиб ўтиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ҳамда халқаро шартномаларида белгиланган жойларда ва тартибда амалга оширилади.

2-§. Ўтказиш пунктларида чегара назоратини амалга ошириш тартиби

34. Чегара назорати ўтказиш пунктларида шахсларга, транспорт воситаларига ва товарларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан амалга ошириладиган давлат назоратининг бир тури бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

шахсларнинг шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини, шу жумладан, шахсга доир биометрик маълумотларга ишлов бериш орқали текшириш;

шахсларни оғзаки сўров қилиш;

Ўзбекистон Республикасига киришига қонунчиликка мувофиқ рухсат этилмаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган шахслар Давлат чегараси орқали ўтказилишининг олдини олиш;

божхона органлари билан ҳамкорликда транспорт воситаларини ва товарларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечириш ҳамда кўриқдан ўтказиш;

транспорт воситалари ва товарларни кузатиб туриш, шунингдек, ўтказиш пунктидан Давлат чегарасигача кузатиб бориш ва ундан ортга қайтишда кузатиб келиш;

давлат назорати органларининг ўтказиш пунктларида тегишли назорат тартиб-таомиллари амалга оширганлиги тўғрисидаги қайдлари мавжудлигини текшириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида белгиланган бошқа назорат тартиб-таомилларини.

35. Ўтказиш пунктининг фаолият кўрсатиши хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ва бошқа ваколатли давлат органларининг ҳарбий хизматчилари (ходимлари) томонидан Давлат чегараси орқали ҳаракатланаётган шахсларни шахсий кўриқдан ўтказиш тартиб-таомили амалга оширилиши мумкин.

Давлат чегараси орқали ҳаракатланаётган шахсларни шахсий кўриқдан ўтказиш шартлари ва тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

3-§. Шахслар, транспорт воситалари ва товарларнинг Давлат чегараси орқали ўтказилишини вақтинча чеклаш ёки тўхтатиб туриш тартиби

36. Айрим ўтказиш пунктларида қуйидаги ҳолларда Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари ҳамда товарларнинг ўтказилиши қонунчиликка мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан вақтинча чекланиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида;

ваколатли давлат органининг Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар ҳудудида одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг карантинли ҳамда бошқа хавfli юқумли касалликлари юзага келиши ва тарқалиши тўғрисидаги ахборотига асосан;

табiiй ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар рўй берганда;

чегарадош давлат ваколатли органларининг мурожаатларига асосан;

ўтказиш пункти ҳудудида курилиш-техник ишлари олиб борилаётганда.

37. Давлат чегараси орқали ўтказиш вақтинча чекланганлиги ёки тўхтатиб турилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 48 соат ичида тегишли давлатларга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хабарнома юборилади.

38. Давлат чегараси орқали ўтказиш вақтинча чекланиши ёки тўхтатиб турилиши юзасидан чоралар жорий этилишидан 24 соат олдин Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан чегарадош давлатларнинг чегара органлари хабардор қилинади.

5-боб. Давлат чегараси ва чегара минтақасига кириш (бўлиш), хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш

39. Чегара минтақасида бўладиган шахслар қуйидагиларга мажбур:

ўзлари билан шахсини тасдиқловчи, шунингдек, чегара минтақасида бўлиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларини олиб юришга;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати вакилларининг талабига биноан ҳужжатлари, транспорт воситалари ва товарларни текшириш учун тақдим этишга, чегара минтақасида бўлишининг сабабини тушунтиришга;

чегара минтақасидаги ерларнинг маиший ва бошқа чиқиндилар билан ифлосланишига, экин ва ҳайвонот дунёсига зарар етказилишига йўл қўймасликка ҳамда ёнғин хавфсизлигига риоя этишга;

тегишли восита ва усуллар орқали йиғиб-териб олишда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор ва техник хомашёси ўсимликлар ресурслари нобуд бўлишига йўл қўймасликка.

40. Чегара минтақаси доирасида:

хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг рухсатномаси бўйича – давлат ўрмон фонди ёки Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасининг доимий фойдаланишида бўлган яйлов ерлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар тизимдаги ер майдонлари тегишлилигича ўрмон хўжалиги органлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси ёки жисмоний ва юридик шахслар билан келишилган ҳолда;

барча турдаги ҳаво кемалари, шу жумладан учувчисиз учиш аппаратларининг парвозлари, аэрофото суратга олиш – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларини парвозлар бошланишидан 10 кун олдин хабардор қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигидан рухсат олинганидан сўнг амалга оширилиши мумкин.

41. Чегара минтақасида қуйидаги режим чекловлари белгиланади:

хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг ва чегарадош давлатларнинг миллий хавфсизлигига зарар етказмаслиги ёки зарар етказиш хавфини юзага келтирмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни бажаришда тўсқинликларни вужудга келтирмаслик;

спорт ва ҳаваскорлик ови, балиқ овлаш, табиат қўйнида дам олиш мақсадида, шунингдек, шахсларнинг бирон-бир ишлаб чиқариш ёки хизмат заруратисиз бўлиши ман этилади;

жойлар ва объектлар фото ва видео қайд этиш воситалари орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизматининг рухсатномаси билан тасвирга олинади;

ёввойи ҳайвонлар уларнинг сонини тартибга солиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан келишилган ҳолда ов қилинади;

шахслар ва транспорт воситаларига фақат ишлаб чиқариш ёки хизмат зарурати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чегара минтақасида бўлиш рухсат этилади;

чегара минтақасида шахсларни куннинг қоронғу пайтида қолишига йўл қўйилмайди, фақат моддий мулкка зарар етказмаслик ёки хавфсизлик нуқтаи-назардан қисқартирилган таркибда шахслар қолишига рухсат берилиши мумкин, агарда инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етмайдиган бўлса.

42. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қонунчиликка мувофиқ чегара минтақасида ҳамда унинг ташқарисида жанговар-хизмат (тезкор) фаолиятини амалга оширади.

43. Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида унинг айрим участкаларидаги чегара минтақасида шахсларнинг бўлиши Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан назорат постлари қўйилган ҳолда назоратга олинади.

44. Давлат чегарасидаги вазият мураккаблашганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан чегара минтақасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилган ҳолда, қўйидагиларга нисбатан вақтинча қўшимча режим чекловлари ва тақиқлари жорий этилиши мумкин:

чегара минтақасига бегона шахсларнинг киришига;

хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият амалга ошириладиган ҳудудларга киришга;

сузиш воситаларининг чегара дарёларига, кўллари ва бошқа сув ҳавзаларига киришига.

45. Юридик шахслар ёки якка тадбиркор чегара минтақасидаги белгиланган тартибда ўзларига ажратилган ердан фойдаланувчининг фойдаланиш ҳуқуқи тугаганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларини 10 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт.

46. Тозалаш минтақасида Давлат чегарасини жиҳозлаш, кўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай фаолият ман этилади.

47. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хавfli юқумли касалликларнинг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида профилактика минтақасида чорва молларини боқиш ва сақлаш ман этилади.

48. Профилактика минтақасида ветеринария-санитария режимига риоя этилиши Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан келишилган ҳолда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан назорат қилинади.

49. Давлат чегарасига туташ ҳудудлар ва чегарадош давлат ҳудудида барқарор эпизоотик вазият бўлганда, чегара минтақасида чорва моллари бунинг учун махсус ажратилган жойларда фақат кундузи боқилади.

50. Чорва молларини боқадиган жисмоний ва юридик шахслар чегара минтақасида чорва молларини боқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан белгиланган талабларни сўзсиз бажариш чораларини кўришга мажбур.

51. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ чегара минтақасида бошқа режим чекловлари ҳам жорий этилиши мумкин.

52. Жисмоний ва юридик шахслар чегара минтақасига киришга (бўлиш, хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш) рухсатнома олиш учун ушбу шахслар тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, санаси ва жойи, иш жойи, мутахассислиги, эгаллаб турган лавозими, яшаш жойи, шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг серияси ва рақами, ишлар амалга ошириладиган жой, уларнинг вақти ва хусусияти) акс эттирилган ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган рўйхатларни уч нусхада ариза-хатга илова қилган ҳолда, ишлар (фаолият) бошланишидан 30 сутка олдин, чегара минтақаси тегишлилиги бўйича жойлардаги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг бўлинмаларига тақдим этадилар.

53. Ариза-хатни йўллаган жисмоний ва юридик шахсларга чегара минтақасида бўлиш учун рухсатномалар бериш куйидаги асослар бўйича рад этилиши мумкин:

ариза-хатда ахборот тўлиқ кўрсатилмагани ёки атайлаб ёлғон маълумотлар маълум қилинганлиги;

кайд этилган бўлиш ҳудудида (жойида) ҳарбий ва бошқа ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан амалга оширилиши;

кайд этилган бўлиш ҳудудида (жойида) техноген ва табиий тусдаги фавқулодда вазият эълон қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тегишли ҳудудий органларининг рад этиши.

54. Чегара минтақасига кириш (бўлиш, хўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш) рад этилган сабаблар хат йўллаган жисмоний ва юридик шахсларга маълум қилинмайди.

55. Чегара минтақасида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган балиқ овлаш, ов қилиш, илмий-тадқиқот ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун мўжалланган ўзи юрар ва ўзи юрмас кемалар (кейинги ўринларда – сузиш воситалари) белгиланган тартибда рўйхатга олинади ҳамда тўхташ учун ажратилган доимий жойлар билан бирга пристанлар, причаллар, тўхташ пунктларига рўйхатга қўйилади.

Рўйхатга олинмаган пристанлар, причаллар, тўхташ пунктлари ва бунинг учун ажратилмаган бошқа жойларда сузиш воситаларини сақлаш, уларнинг туриши, одамларни чиқариш ва тушириш, юкларни ортиш ҳамда тушириш ман этилади, табиий офатлар ва авария ҳолатлари бундан мустасно.

56. Сузиш воситаларининг чегара дарёларида, кўлларида ва Ўзбекистон Республикасининг ички сувларидаги бошқа сув ҳавзаларига чиқиши учун рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби, уларнинг ушбу сувларда бўлиши ва ҳаракатланиш тартиби, шунингдек, қайд этилган кемалар ва уларни назорат қилиш воситалари учун пристанлар, причаллар ҳамда тўхташ пунктларини жиҳозлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан келишган ҳолда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ўрнатилади.

Кемаларни давлат рўйхатидан ва техник назоратдан ўтказиш органларининг мансабдор шахслари ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариш учун пристанлар, причаллар ва тўхташ пунктларини, шунингдек сув объектларини Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан келишган ҳолда бориб кўриш ҳуқуқига эга.

57. Жисмоний ва юридик шахслар тегишли пристанлар, причаллар ва ўзларига қарашли кемалар тўхташ пунктларини белгиланган тартибда жиҳозлаши, уларнинг кўриқланишини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг бўлинмалари билан алоқани таъминлашга мажбур.

58. Чегара минтақасида ўрмондан фойдаланиш ва ўрмон хўжалигини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

6-боб. Чегаравий можароларни ҳал этиш тартиби

59. Давлат чегарасидаги Давлат чегараси режимининг Ўзбекистон Республикасининг ёки чегарадош давлатларнинг манфаатларига дахлдор тарзда бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳодиса чегаравий можародир.

60. Чегаравий можароларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

61. Давлат чегараси режимига риоя этилишига доир масалаларни ҳал қилиш ва чегаравий можароларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикасининг чегара бўйича вакиллари тайинланади.

62. Ўзбекистон Республикаси чегара бўйича вакилларининг ваколатлари ва фаолиятни амалга ошириш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ белгиланади.

63. Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ҳарбий ҳаво кемаларининг, бошқа ҳарбий объектларининг ёки ҳарбий хизматчиларининг ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган чегаравий можароларни ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек тегишли давлат органлари вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

64. Ўзбекистон Республикасининг чегара бўйича вакиллари ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг вакиллари томонидан ҳал этилмаган масалалар ва чегаравий можаролар дипломатик тартибда ҳал қилинади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

65. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мазкур низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

66. Давлат чегараси режими қоидаларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “24” октябрдаги 700 -сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган чегара зонасига кириш (ундан чиқиш), ундан ўтиш, у ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси (кейинги ўринларда – Давлат чегараси) – Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди доирасини (куруқликни, сувни, ер қаърини ва самовий ҳудудни) белгиловчи чизикдан ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат;

хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш – Ўзбекистон Республикасининг чегарабўйи сув ҳавзаларидан фойдаланиш, сув иншоотларини барпо этиш, деҳқончилик, чорвачилик, ишлаб чиқариш, тадқиқот, изланиш ишларини амалга ошириш учун ердан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш, кончилик ишларини, геологик изланишларни ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш;

чегара зонаси – чегара минтақасига туташ бўлган, чегара режими жорий этиладиган чегараолди ҳудуди ёки унинг бир қисми;

чегара минтақаси – Давлат чегарасига бевосита туташ бўлган, Давлат чегараси режими жорий этиладиган чегараолди ҳудудининг бир қисми;

чегараолди ҳудуд – Давлат чегарасига туташ бўлган маъмурий-ҳудудий бирлик (туман, шаҳар) доирасидаги ҳудуд;

чегара режими – чегара зонасига кириш (ундан чиқиш), ундан ўтиш, у ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиби ва қоидалари мажмуи.

3. Чегара зонасида чегара режимига риоя этилиши устидан назорат қилиш ички ишлар органларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинларига ўз ваколатлари доирасида юкланади.

2-боб. Чегара зонасини белгилаш ҳамда жиҳозлаш тартиби

4. Чегара зонаси доираси, шунингдек, чегара зонасига кирадиган туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар ҳамда темир йўл станциялари, аэропортлар ва бошқа объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг таклифлари асосида Давлат чегарасини делимитация, демаркация ва редемаркация қилиш, чегара муаммоларини ҳал этиш, ноқонуний миграцияни, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларини ноқонуний олиб киришга қарши курашиш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда – ҳудудий комиссиялар) томонидан тегишли ҳудудлар бўйича аниқланади ва белгиланади (ўзгартириш киритилади).

Бунда ҳудудий комиссиялар томонидан:

чегара зонаси чизиғини белгилаш, унинг таркибига кирадиган мамлакат маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, темир йўл станциялари, аэропортлар ва бошқа объектлар рўйхатини тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилинади;

ҳудудий комиссияларнинг чегара зонасини белгилаш тўғрисидаги қарорлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига тасдиқлаш учун киритилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан ҳудудий комиссияларнинг чегара зонасини белгилаш тўғрисидаги қарорлари тасдиқланганидан сўнг чегара зонаси белгиланган ҳудудда чегара режими жорий этилади.

5. Чегара зонасининг чизиғи Давлат чегараси ёки (ва) чегара минтақасига туташ бўлган мамлакат маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларнинг маъмурий чегараси ёки жойларда ўзгармас топоэлементлар бўйлаб белгиланади.

Чегара зонаси рўйхатига Давлат чегараси ёки чегара минтақасига туташ бўлган туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овуллар маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқ тўлиқ ёки қисман, темир йўл станциялари, аэропортлар ва бошқа объектлар яхлитлигича киритилади.

6. Чегара зонасига киришда огоҳлантирувчи белгилар, ахборот доскалари ўрнатилади ва ички ишлар ҳудудий органи навбатчисининг пультага ахборот чиқариб берадиган техник воситалар жиҳозланади.

Чегара зонасига киришни техник жиҳозлаш (кузатув ва назорат воситалари) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, огоҳлантирувчи белгилар, ахборот доскалари сақланишининг назорати ҳудудий ички ишлар органларига юкланади.

3-боб. Чегара режимига риоя этилишини назорат қилиш тартиби

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қонунчиликка мувофиқ чегара зонаси ва унинг ташқарисида жанговар-хизмат (тезкор) фаолиятини амалга оширади.

8. Чегара зонасига келадиган ва шу ерда яшайдиган шахсларнинг ҳужжатлари, зарур бўлганда ушбу зонада ҳаракатланадиган транспорт воситалари ва юклар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан текширилади.

9. Чегара зонасига кириш (чиқиш) назорати ички ишлар органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Давлат чегарасида вазият мураккаблашганда эса Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан ҳам амалга оширилади.

10. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида, унинг айрим участкаларидаги чегара зонасида шахсларнинг бўлиши Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан назорат постлари қўйилган ҳолда назоратга олиниши мумкин.

11. Чегара зонасида ўрмондан фойдаланиш ва ўрмон хўжалигини юритиш тартиби ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

4-боб. Шахсларнинг чегара зонасига кириши (ундан чиқиши), ундан ўтиши, у ерда бўлиши (яшаши), ҳаракатланиши, хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартиби

12. Чегара зонасида доимий яшайдиган шахслар чегара зонаси доирасида рўйхатга олиш варақасини олмасдан, доимий рўйхатга олинган туман, шаҳар ва вилоят ҳудудида ҳаракатланиши мумкин.

13. Чегара зонасида доимий яшамайдиган ва беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари, шу жумладан фуқаролик биометрик паспорти, идентификацияловчи ID-картаси, хизмат гувоҳномаси, ҳарбий гувоҳномаси, туғилганлик ҳақида гувоҳномасидан (кейинги ўринларда – шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар) ташқари чегара зонасида бўлиш учун ички ишлар органлари томонидан бериладиган алоҳида рўйхатга олиш варақаси ҳам бўлиши шарт.

14. Давлат ўрмон фонди ҳудудида жойлашган чегара зонасига ўрмондан фойдаланиш мақсадида келадиган шахсларда юқорида қайд этилган рухсат берувчи ҳужжатлардан ташқари ўрмон хўжалиги органларининг рухсатномаси (розилиги) ҳам бўлиши шарт.

15. Чегара зонасида доимий яшамайдиган ва беш кундан ортиқ муддатга келадиган шахслар чегара режими қоидаларида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумот олиш учун профилактика инспекторига ёки маҳалла фуқаролар йиғини раисига мурожаат қилишлари, шунингдек, чегара зонасига келган шахсларнинг ушбу Низомда белгиланган тартибга риоя этиб яшашлари турар жой бераётган (яшашларига йўл қўяётган) шахслар томонидан таъминланади.

16. Ўқишга кетгунича чегара зонасидаги аҳоли пунктларида яшаган олий, ўрта махсус ва бошқа таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда талабалари ушбу пунктларда, уларнинг таълим муассасаларида ўқишини тасдиқловчи ҳужжатлари ҳамда чегара зонасидаги аввалги доимий яшаш ва рўйхатга олинган жойлари бўйича бўлиши мумкин.

17. Чегара зонасида жойлашган аҳоли пунктларига хизмат сафарига юбориладиган шахслар ушбу пунктларда уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва хизмат сафари ҳужжатлари бўйича бўлади.

18. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Божхона қўмитасининг ҳарбий хизматчилари ва ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича ишчи гуруҳ аъзолари чегара зонасига уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (ҳарбий ёки хизмат гувоҳномаси) бўйича келади ва бўлади. Ушбу шахсларнинг оила аъзолари чегара зонасида улар хизмат қилаётган жойдан бериладиган маълумотнома асосида бўлади.

Дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар ходимлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган бошқа шахслар чегара зонасига кириш учун рухсатни Ташқи ишлар вазирлигидан оладилар.

19. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан бўшатишган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хизматга ушбу жойлардан чақирилган ёхуд бу ҳудудда яқин қариндошлари бўлса, чегара зонасига хизмат кўрсатмалари ёки ўтиш гувоҳномалари бўйича киради ва бўлади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган шахслар чегара зонасида илова қилинадиган, номма-ном тузилган рўйхатлар ва мудофаа ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) бўлимлари кўрсатмалари бўйича борадиган пункти кўрсатилган ҳолда ҳаракатланадилар.

20. Чегара зонасида жойлашган санаторий, дам олиш уйлари, пансионатлар, туристик базалар ва бошқа даволаш-соғломлаштириш муассасаларига борадиган фуқаролар ушбу зонада шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, санатория ва туристик йўлланмалар ёки ушбу муассасалар томонидан бериладиган маълумотномалар бўйича бўладилар.

21. Болалар чегара зонасида жойлашган дам олиш оромгоҳлари ва болалар учун бошқа муассасаларда йўлланмалар асосида бўлади. Ушбу муассасалардаги болаларнинг ота-оналари фарзандларини кўриш учун чегара зонасида шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида беш кун давомида бўладилар.

22. Чегара зонасига беш кундан ортиқ муддатга келадиган шахслар рўйхатга олиш карточкаларида кўрсатилган маъмурий ҳудуд доирасида яшаш ҳуқуқига эга бўладилар.

23. Чегара зонаси доирасида маъмурий марказ, мактаб, шифохона ва бошқа ташкилотлар жойлашган бўлса ҳамда уларга хизмат кўрсатадиган шахсларнинг бир қисми чегара зонаси ташқарисида яшаса, ушбу шахсларга чегара зонасида шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, чегара зонаси доирасида жойлашган тегишли муассасалар ва ташкилотларда уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тасдиқловчи ҳужжатлар бўйича бўлишига рухсат этилади.

24. Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош давлатларнинг чегараолди ҳудудларида яшовчи фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг чегарадош туман ва шаҳарларининг чегара зонасига халқаро шартномалар асосида кириб келишлари ва бўлишлари мумкин.

25. Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг чегара зонасида бўлишлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Чет элга чиқувчи ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ҳаракатланадиган шахслар Давлат чегарасидан ўтиш ҳуқуқини берадиган тегишли ҳужжатлар бўлгандагина чегара зонасидан ўтадилар.

Ушбу бандда кўрсатилган шахслар транзит ҳаракатланаётган чегара зонаси пунктларида умумий асосларда тўхташ ва бўлиш ҳуқуқига эга. Чегара зонаси орқали транзит ҳаракатланаётган ушбу шахслар тўхташга мажбур бўлган ҳолатларда бу ҳақида ички ишлар органларига зудлик билан хабар беришлари шарт.

5-боб. Чегара зонасида бўлиш ҳуқуқини берувчи рўйхатга олиш варақасини расмийлаштириш ва бериш тартиби

27. Чегара зонасида рўйхатга олиш варақалари чегара зонаси белгиланган айнан шу маъмурий ҳудуд (туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул) доирасида бўлиш учун берилади.

Чегара зонасида яшаш ҳуқуқини берувчи рўйхатга олиш варақасини олиш учун бу ерга беш кундан ортиқ муддатга келадиган фуқаролар келган жойлари бўйича ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларига (кейинги ўринларда – МваФР бўлинмалари) келган кунларидан бошлаб, дам олиш ва байрам кунларини ҳисобга олмаган ҳолда, бир иш кунидан кечикмасдан мурожаат этишлари лозим.

28. Рўйхатга олиш варақасини олиш учун аризачи ички ишлар органларига шахсан ташриф буюришлари шарт.

29. Рўйхатга олиш варақасини олиш учун ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ ариза ва 2-иловага мувофиқ сўровнома ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари асосида “Паспорт-виза” автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуасида (кейинги ўринларда – “Паспорт-виза” тизими) шакллантирилади ва ариза берувчи томонидан имзоланади.

30. Рўйхатга олиш варақасини берилиши ҳақидаги электрон сўровнома “Паспорт-виза” тизимида шахс текшируви, хужжат текшируви ва фуқаролик текширувидан, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази, Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ҳамда Тезкор қидирув департаменти Терроризмга қарши курашиш хизматининг маълумотлар базасидан электрон текширувдан ўтказилади.

31. Рўйхатга олиш варақасининг берилиши ҳақидаги электрон сўровнома “Паспорт-виза” тизимида текширувдан ўтгандан сўнг ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ QR-код (матрицали штрих-код) қўйилган рўйхатга олиш варақаси чоп этилади.

МваФР бўлинмалари ходимлари рўйхатга олиш варақаларини топшириш вақтида варақа олувчиларни чегара зонасида бўлиш қоидалари билан таништиришлари шарт.

32. Чегара зонасига ота-онаси ёки ҳамроҳлик қилувчи шахслар билан келадиган 16 ёшгача бўлган вояга етмаганларга рўйхатга олиш варақалари ота-онаси ёхуд ҳамроҳлик қилувчи шахсларга берилади.

Рўйхатга олиш варақаси бир иш кунида берилади.

33. Чегара зонасига вақтинча яшаш учун келадиган шахсларга рўйхатга олиш карточкалари бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

34. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод этилган ва аввал чегара зонасида яшаган ҳамда доимий яшаш учун қайтиб келган шахсларга рўйхатга олиш варақалари уларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш ва шахсини тасдиқловчи хужжатларини расмийлаштириш учун белгиланган муддатга берилади.

35. Юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг фаолият тури бўйича беш кундан ортиқ муддат чегара зонасида бўладиган ходимларига рўйхатга олиш варақалари олти ойгача бўлган муддатга берилади ва улар ҳар ой ички ишлар органларида рўйхатдан ўтади.

36. Шахсларга вақтинча яшаш даврида ёки чегара зонасида бир неча марта бўлиши зарурлиги туфайли бериладиган рўйхатга олиш варақалари амал қилиш муддати тугагандан сўнг ҳақиқий ҳисобланмайди.

Рўйхатга олиш варақаларининг амал қилиш муддатини узайтириш учун юридик ва жисмоний шахслар ички ишлар органларига уларнинг амал қилиш муддати тугашидан беш кун аввал мурожаат қилишлари шарт.

37. Профилактика инспектори ва маҳалла раиси чегара зонасига келган шахсларга чегара режими қоидаларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тушунча беради, уларнинг яшаш ва ҳаракатланиш қоидаларига риоя этишлари, шунингдек, рўйхатга олиш варақасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ўз вақтида чиқиб кетишларини назорат қиладилар.

38. Чегара зонаси худудида бўлган шахслар ўзлари билан паспорт ёки шахсларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, шунингдек, чегара зонасида бўлиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатни олиб юришлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар талабларига мувофиқ кўрсатишлари, чегара зонасида бўлиш сабабларига оид тушунтиришлар беришлари шарт.

39. Чегара зонасида яшаш ҳуқуқини берувчи рўйхатга олиш варақалари чегара зонасида бўлишлари мақсадга мувофиқ бўлмаган шахсларга берилмайди.

40. Рўйхатга олиш варақаларини бериш рад этилган тақдирда, рад этилганлик бўйича ўрнатилган тартибда шикоят билан мурожаат қилиш мумкин.

6-боб. Чегара зонасидаги яйлов ерлардан фойдаланиш тартиби

41. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасининг (кейинги ўринларда – Кўмита) доимий фойдаланишида бўлган чегара зонасидаги яйлов ерлардан (кейинги ўринларда – яйлов ерлар) Кўмита томонидан Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинлари ва ички ишлар органларига календарь йилда бир марта тақдим этиладиган рўйхатга киритилган шахслар (кейинги ўринларда – фойдаланувчилар) фойдаланади.

42. Яйлов ерлардан ижара ҳуқуқи асосида ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

43. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор ва техник хомашёси ўсимликлар ресурслари нобуд бўлишига йўл қўймаган ва яйлов хўжалигига зарар етказмаган ҳолда тегишли восита ва усуллар орқали йиғиб-териб олинади.

44. Ердан фойдаланувчилар яйлов ерлардан самарали ва мақсадли фойдаланиши, шунингдек, экинларга ва ҳайвонот дунёсига зарар етказилишига, яйлов ерларнинг маиший ва бошқа чиқиндилар билан ифлосланишига йўл қўймаслиги ҳамда ёнғин хавфсизлигига ва қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талабларга риоя этишлари шарт.

45. Яйлов ерларда ёнғин юзага келганда ва уларни бартараф этиш вақтида ердан фойдаланувчиларнинг яйлов ерларга кириши чекланади ҳамда транспорт воситаларининг умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларида бошқа йўлларда ҳаракатланиши тақиқланади.

46. Кўмита ердан фойдаланувчининг яйлов ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи тугаганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара кўшинларини ва ички ишлар органларини 10 кун муддат ичида хабардор қилади.

6-боб. Чегара зонасида белгиланадиган режим чекловлари

47. Чегара зонаси доирасида бўладиган шахслар:

ўзлари билан шахсини тасдиқловчи, шунингдек, чегара зонасида бўлиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларини олиб юриши;

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати вакилларининг талабига биноан хужжатлари, транспорт воситалари ва товарларни текшириш учун тақдим этишга, чегара зонасида бўлишининг сабабини тушунтириши лозим.

48. Чегара зонасида жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига чегара зонасида бўлиш ва яшаш учун рухсатномаси бўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш тақиқланади.

49. Чегара зонасидаги давлат ўрмон фонди ерларида ҳайвонларни тутиш (ов қилиш) ўрмон хўжалиги органлари томонидан бериладиган йўлланма ва варақлар, бошқа ҳудудларда эса Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари рухсатномаси бўйича амалга оширилади.

Барча ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан келишилган ҳолда махсус ажратилган жойларда ов қилинади.

50. Чегара зонасида чегара режимига риоя этилишини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ҳамкорликда профилактика тадбирларини ўтказди.

51. Чегара зонаси доирасида:

хўжалик фаолиятини ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан келишилган ҳолда ҳамда давлат ўрмон фонди ёки Қўмитанинг доимий фойдаланишида бўлган яйлов ерлар тегишлилигича ўрмон хўжалиги органлари ёки Қўмита билан келишилган ҳолда;

барча турдаги ҳаво кемалари, шу жумладан, учувчисиз учиш аппаратларининг парвозлари, аэрофото суратга олиш – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларини парвозлар бошланишидан 10 кун аввал хабардор қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг рухсатномаси бўйича амалга оширилиши мумкин.

52. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ чегара зонасида бошқа режим чекловлари ҳам жорий этилиши мумкин.

7-боб. Яқунловчи қоида

53. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
чегара режими тўғрисидаги низомга
1-илова

_____ туман (шаҳар) номи

_____ ИИБ бошлиғига (Ф.И.О.), имзо ва сана

А Р И З А

Мен

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Сиздан _____ да
(келган манзил)

2024 йил “ _____ ” _____ дан 2024 йил “ _____ ” _____ гача яшаш учун
(келиш муддати)

рўйхатга олиш варақаси расмийлаштирилишига рухсат беришингизни
сўрайман.

_____ (сана)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

**Чегара зонасига вақтинча яшашга келган фуқарони
рўйхатга олиш тўғрисида
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот		
1. Фамилияси		
2. Исми		
3. Отасининг исми		
4. Туғилган йили, санаси ва жойи		
5. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар (фуқаролик биометрик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, хизмат гувоҳномаси, туғилганлик ҳақида гувоҳнома маълумотлари (серияси ва рақами)		
6. Ҳарбий хизматга алоқадорлиги:		
6.1. Ҳарбий гувоҳнома ва захирадаги офицернинг гувоҳномаси (ҳарбий хизматга мажбурлар учун) (серияси ва рақами)		
7. Доимий яшаш манзили		
8. Рўйхатга олинаётган манзил		
9. Келишдан мақсади		
10. Иш жойи ва лавозими		
11. Телефон рақами		
12. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса)		
II. Уй-жой мулкдори (мулкдорлари) ҳақида маълумот		
1. Ф.И.О.		
2. Рўйхатга олинаётган манзил		
III. Иш берувчи юридик шахс ҳақида маълумот		
Юридик шахс номи		
Почта манзили		
IV. Вояга етмаган оила фарзандлари		
Қариндошлик даражаси	Ф.И.О.	Туғилган йили, санаси ва жойи
Ўғли		
Қизи		

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида
чегара режими тўғрисидаги низомга
3-илова

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги



Миграция ва фуқароликни
расмийлаштириш бош
бошқармаси

Чегара зонасига вақтинча яшашга келган шахсларнинг рўйхатга олиш варақаси		
	Манзил: Республика: Вилоят: Шаҳар: Туман: МФЙ: Кўча: Уй:	Қ О И Д А Л А Р 1. Рўйхатга олиш варақаси унда кўрсатилган муддатгача миллий паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати билан ҳақиқийдир. 2. Рўйхатга олиш варақаси фақатгина унда кўрсатилган аҳоли пункти ҳудудида яшаш ҳуқуқини беради. 3. Фуқаролар, рўйхатга олиш варақасини йўқотиб қўйган тақдирда, бу тўғрисида зудлик билан варақани берган ички ишлар органига мурожаат этиб, янги рўйхатга олиш варақасини олишлари зарур. 3.1. Чегара зонасида бўлиб турган шахслар рўйхатга олиш варақаларининг амал қилиш муддати тугашидан беш кун аввал ҳудудий ички ишлар органига янги рўйхатга олиш варақасини расмийлаштириш юзасидан мурожаат қилишлари шарт. 4. Чегара зонасида чегара режими қоидаларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган маъмурий таъсир чоралари қўлланилади. Юқорида қайд этилганлар билан таништирилдим. <hr style="width: 20%; margin-left: auto; margin-right: 0;"/> <p style="text-align: right;">(имзо)</p>
1. Фамилияси:		
2. Исми:		
3. Отасининг исми:		
4. Туғилган йили ва санаси:		
5. Шахсни тасдиқловчи ҳужжати (фуқаролик биометрик паспорти, идентификацияловчи ID-карта, хизмат гувоҳномаси, ҳарбий гувоҳнома, туғилганлик ҳақида гувоҳнома):		
5.1. Серияси ва рақами:		
5.2. Амал қилиш муддати:		
6. Келишдан мақсади:		
7. Бирга келганлар сони:		
8. Берилган вақти:		
9. Амал қилиш муддати:		



Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “24” октябрдаги 700 -сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 5 июлдаги 504-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ўрмон хўжалиги органларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ўрмон хўжалиқларининг чегара ҳудудлари табиий ресурсларидан фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 10 сентябрдаги 717-сон қарорига 3-илованинг 2-банди.
3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 27 июндаги 532-сон қарорига 5-илованинг 26-банди.
4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 10 августдаги 661-сон қарорига илованинг 61-банди.
5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарорига 4-илованинг 58-банди.
6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара зонаси ва чегара минтақасини белгилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 4 декабрдаги 735-сон қарорининг 2, 3-бандлари ва қарорга илова.
7. Вазирлар Маҳкамасининг “Яйлов ерлардан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 июлдаги 504-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чегара режими тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида” 2023 йил 9 октябрдаги 534-сон қарорига илова.
8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига республика ижро этувчи ҳокимият органларининг номларини ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 25 июлдаги 453-сон қарорига илованинг 4-банди.